



**ПРОФЕССИОНАЛ ДАВЛАТ ҚҰГИРЧОҚ ТЕАТРЛАРНИНИГ  
ИЖОДИЙ ИННОВАЦИОН ИШ ФАОЛИЯТИДАГИ ЯНГИ УСУЛЛАРНИ  
ЖОРІЙ ҚИЛИШ -ТЕАТР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ  
КУЧ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12512861>

**Ашупрова Маряム Хамидовна**  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
“Қўгирчок театри санъати” кафедраси профессори

### **АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида қўгирчоқ театр мутхассисларни ҳар томонлама етуқ, юқори маданиятли ўз касбини моҳир устаси ва билимдони қилиб тарбиялаш борасидаги илгор усуллар. Профессионал давлат қўгирчоқ театрларниниг ижодий инновацион иш фаолиятидаги янги усулларни жорій қилиш. Ёш томошабинларни ҳар томонлама тарбиялашда қўгирчоқ театрларининг ўрни ва аҳамияти тұғрисида сұз боради.

### **Калит сўзлар**

Театр, саҳна, пьеса, қўгирчоқ, режиссёр, актёр, рассом, саҳна нутқи, образ, спектакль, инновация, санъат, профессионал.

В данной статье в целях реформирования системы образования рассматриваются передовые методы подготовки театральных специалистов, чтобы они стали всесторонне развитыми, высококультурными мастерами своего дела и знающими. Внедрение новых методов в творческую и новаторскую работу профессиональных государственных театров. Рассказывается о роли и значении кукольных театров во всестороннем воспитании юных зрителей.

### **Ключевые слова**

Театр, сцена, пьеса, кукла, режиссёр, актёр, художник, речь, образ, спектакль, инновация, искусство, профессионал.

### **ANNATATION**

In this article, the reform of the educational system is about the advanced methods of educating theater specialists as mature, highly cultured masters and experts in their profession. Introducing concrete methods in the creative and innovative work of professional state puppet theatres. The role and importance of the puppet theater in the comprehensive education of the young audience is discussed.

### **Keywords**



---

theater, stage, performance, puppet, director, actor, artist, stage speech, image, innovation, art, professional.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишдаги энг устивор омил, ҳар томонлама етук, юқори маданиятли ўз касбини мохир устаси ва билимдони бўлган мутахассисларни тарбиялашдек ўта маъсулиятли иш бугунги кун талабидир. Давр талабига жавоб берадиган, санъат ва маданият соҳасидаги мутахассисларни тарбиялаб, вояга етказиш, уларни юртимизда санъат ва маданият соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар олий санъат ўқув юртининг зиммасидадир. Бугунги кунда давлатимиз томонидан қўғирчоқ театр санъатига берилган эътибор, бу санъатни равнақ топиши ва жахон қўғирчоқ театрлар орасида ўз нуфузига эга бўлиб келишини тамилланаябди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг “Қўғирчоқ театр санъати” бўлимида таълим олаётган қўғирчоқ театр режиссёrlар, актёрлар, қўғирчоқ механикаси ва конструкцияси мутахассиси, уста-технологлар соҳа бўйича ўз касбини тўлиқ профессионал даражада эгаллаши учун, институтда профессор-ўқитувчи кадрлар етарли билим беришга эгадирлар. Булар Ўзбекистон республикасида хизмат кўrsatgan ёшлар мурабайиси, профессор Марям Ашуррова, респуликада хизмат кўrsatgan артистлар; доцентлар Фатхилла Хўжаев, Карима Жаборова, доцентлар Аъзамжон Абдухалилов, Винера Юсупова, доцент в.б. Лола Усмонова ва бошқалар.

Инстутда таълим олиб келаётган сиртқи бўлим режисёр ва актёр талабалири вилоят қўғирчоқ театрларининг ёш актёр ва режиссёр кадрлардан иборат. Бу йўналиш келажакда қўғирчот театри учун профессионал мутахассиларни сафини кенгайтиради. Шунингдек театрларнинг ижодий профессионал йўналишини белгилаб беради.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев томонидан болалар театри яъни қўғирчоқ театрларига жуда катта этибор қаратимоқди. Бунинг натижасида театрларимиз янги қурилган замонавий модий техник база билан таъминланган театр биноларга кўчиб ўтишди. Булар Андижон, Жиззах, Фаргона, Навоий, Қарши, Хоразм ва бошқа вилоят қўғирчоқ театрлари. Келажакда қолгант театрлар ҳам янги театр биноларига эга бўлишади. Бу албатта нур-устига аъло нур. Ҳозирги кунда республикамиизда 12 та профессионал давлат қўғирчоқ театрлари ёш томошабинларга хизмат қилиб келмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёнинг 6000 ПҚ-қарори асосида вилоятларда янги тўрта профессионал қўғирчоқ театрлари ташкил этиш ва уларнинг янги биносини қуриш ишлари илгарилаб бормоқда. Демак республикамиизда профессионал қўғирчоқ театрларнинг сони 14 тага етади.



Замонавий құғирчоқ театрларнинг ижодий иш фаолиятининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириб бориш жараёнида маънавий меросимиз, қадриятларимиз, анъаналаримизни давом эттириш учун янги давр талаблари асосида бойитиб бориш ва ривожлантириш, бу соҳадаги илғор услубларни замонавий миллий рух билан уйғунлаштирган ҳолда театр санъатига тадбиқ этиб бориш жоисдир.

Шу билан бирга құғирчоқ театрларининг ижодий потенциалини инобатта олган ҳолда спектаклни маҳорат билан жонлантиришини таъминлайдиган барча шу соҳа мутахассисларининг театрда мавжудлиги ва уларнинг ўз вазифаларини юқори даражада олиб борилишини таъминловчи оминлар керак. Булар энг аввало драматург, режиссёр, актёр, бастакор, рассом-сценограф, ҳайкалтарош, құғирчоқ устаси, механизатор, бутафор, декорация ва чироқ усталари каби мутахассислар ҳисобланади. Шунингдек, сахналаштириш жараёни зарур даражада моддий, молиявий ва техник таъминлашни бажарилиши ҳам театрнинг ижодий потененциалини белгилайди. Театр санъати ҳақида гап кетганда улуғ маърифатпарвар Махмудхұжа Бехбудийнинг “Театр бу ибратхонадур” деган фикрини тасдиғи, ҳар қандай ёшдаги томошабин театрда унга күрсатилған томошадан ибрат олиши, яъни маънавий ахлоқий мукаммаллашиб мақсадида келади. Бу фикр айниқса ёш авлодга томошалар күрсатувчи замонавий құғирчоқ театрлари учун аҳамиятли.

Бугунги кунда замонавий құғирчоқ театри тақдирини драматугдан бошлайдиган бұлсак, ундағи ижод йўлини белгилаб берадиган маънавий йўлбошчи, ҳамда ташкилотчи бу театр режиссёридир. У театр ижодкорларини бир мақсад сари йўналтирувчи, театр билимдони, сахна устаси бўлиши билан бир қаторда спектакль яратиш жараёнида драматург, рассом-сценограф, бастакор, құғирчоқлар ясаш устаси ва актёрлар билан ижодий ҳамкорликда яратувчанлик хусусиятига эга бўлган шахс ҳисобланади. Демак, режиссёр яхлид сахна асари, яъни спектаклни яратибгина қолмай, балки у санъат турларини турли йўналишларини билимдони бўлмоғи керак. Шу билан бирга у театр колективининг бадиий ғоявий ишига раҳнамо раҳбардир. Профессионал театр сахна юзини кўрган спектакль замон талабига жавоб бериб, томошабинларни маънавий, маърифий ҳамда ғоявий дунёқарашини шакллантиришга катта ҳисса қўшмоғи лозим.

Құғирчоқ театрининг ижодий механизмини режиссёр ва театр рассоми бошқаради. Чунки құғирчоқ театрида рассом образ яратиш жараёни магазин пештахтасида турган құғирчоқ эмас, балки рассом ва құғирчоқ устаси томонидан яратилған професионал персонаж құғирчоқ тури ҳисобланади. Профессор М.М.Королёв таъриф берганидек, бу яратилған асар “тасвирий санъат асари яъни театр құғирчоги”-деб белгилаган. Демак, санъат арбоби



Немирович-Данченконинг“театр саҳнасиға гиламча ташлаб, иккита актёрнинг чиқишидан томоша бошланади”,-деган ибораси қўғирчоқ театрига тўғри келмас экан. Қўғирчоқ театр саҳнасида ўнта гилам ёзсангиз-у, битта рассом-ҳайкалторош ва қўғирчоқ устаси томонидан яратилган ҳақиқий тасвирий санъат асари театр қўғирчоғи бўлмас экан, театр томошаси тўғрисида хеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Спектакль яратиш жараёнида бу икки ижодкор асар ғоясидан келиб чиқкан ҳолда саҳнада яхлит спектакль атмосферасини яратишга киришади. Рассом-сценограф томонидан ишланган декорация парда очилганда томошабинни спектакль қўришга тайёрлаб уни асар мухитига, замон, макон, ва вақт бирлигига олиб киради. Шунинг учун сценографларнинг ижоди асарни ғоясини очиб беришга хизмат қилиши керак. Сценограф-ўз ишини устаси бўлиши учун тасвирий санъатнинг турлари бўлган графика, мўйқалам, ҳайкалтарошлиқ, мухандис-конструктор, технолог, макет ва чироқ саҳнада ишлаш механизмини ҳамда қўғирчоқ театрига хос бўлган, назарий ва амалий билимларни биргаликда ўзлаштириши даркор. Рассом-сценограф барча касблар ичида энг мураккаби ҳисобланади. Уни конструктор-яратувчи ёки тадқиқотчи билан таққослаш мумкин. Унинг яратувчанлик хусусиятига кўра саҳнада юқори тоифали ишчига ҳам ўхшатилади. Чунки саҳнада спектакль декорацияси ва қўғирчоқлар учун керак бўлган ижодий устахонадаги ишларга раҳбарлик қилиб, уларни ўз қўллари билан яратиш қобилиятига ҳам эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Спектакль моҳиятини очиш учун яратилган саҳна декорациялари ва безаклари асарнинг мавзусига асосланиб тайёрланади. Шу билан бир қаторда мусиқа, шовқинлар, чироқ нурлари ва театр саҳнасиға хизмат қиладиган қўшимча воситалар режиссёр ва драматургнинг ғоявий ечимини белгилаб беради. Уларнинг ижодий ҳамкорлигига яратган саҳна асари театрнинг бугуни ва эртасини белгилаб берувчи, замон талаби, болалар психологияси, уларни бугунги кунда қизиқтирган жумбоқлар ва уларнинг ечимини ўз спектакларида усталик била қўрсата олиш хусусиятига эга бўлмоғи лозим. Спектаклар театр имкониятидан келиб чиқкан ҳолда эмас, балки, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, профессионал даражада амалга оширилиши керак. Замонавий спектакларнинг яратилишида ижодий гурух; драматург, режиссёр, актёр, рассом-сценограф, ҳайкалтарош, қўғирчоқ устаси, механизатор, бастакор, чироқ ва саҳна усталаридан катта масъулият ва маҳорат талаб қилинади. Замонавий қўғирчоқ театрларида яратилган спектаклар юқори даражасида бўлиб, профессионал санъат асарига айланиши ҳамда саҳнада ўз мавқенини узоқ вақт ушлаб қолиши лозим. Демак, бунинг учун замонавий қўғирчоқ театларда профессионал мутахассисларнинг бўлиши шарт.



Бу мавзуда бутун ҳаётини санъатга боғишилаган К.С. Станиславский "болалар учун саҳналаштилирган спектакллар катталарницидан яхши бўлиши керак",-деб такидлаб ўтган. Барча шу соҳа вакиллари бу фикрга амал қилиган ҳолда театрнинг ижодий иш механизмини ўта професионал даражада бажариши лозим.

Биз биламизки, ҳар икки йилда бир маротаба республикада професионал қўғирчоқ театрлар қўрик танлов фестивалари ҳамда ёш режиссёрларнинг дебют ижодий ишлари бўйинча анжуманлар бўлиб ўтади. Ҳозиги кунда Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги томонидан ҳар бир театрга унинг янги лоҳияси асосида яъни спектаклнинг саҳналаштириш жараёнини ўз ичига қамраб олган барча харажатларига маблағ ажратилияпти. Бу ажратилган маблағ асосида театрлар қадини кўтарган ҳолда янги спектакллар саҳна юзини қўрайяпти, шу билан бир қаторда бу асарлар қўрик-танлов анжуманларда қатнашиб нуфузли ўринларга эга бўлиб келмоқда. Бунга мисол 2022 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган 13 қўрик-танлов фестивалда миллий қўғирчоқ театри А. Навоийнинг Баҳром ва Дијором қиссаси асосида "Саъбаи сайёр" спектакли биринчи ўринни, саҳналаштиручи-режиссёр Ш. Юсупов, Андижон вилоят қўғирчоқ театри М.Ашуреванинг инценировкаси асосидаги "Шоҳ лайлак" спектакли саҳналаштирувчи-режиссёр М.Ашурева, иккинчи ўринларни олишга мувофиқ бўлди. Театрларни бугунги кунга назар соладиган бўлсак. Анъана бўйинча ҳамма театрларнинг ўз лойиҳаси бўйинча спектаклларга маблағ ажратилган. Лекин давлат буюртмаси бўйича қарорда айнан маълум театрнинг бош режиссёри ёки саҳналаштирувчи режиссёрлари бунга қўл урмасин дейилганми? Чунки республика театрларинг 85% фоизи таклиф қилинган режиссёрлар билан ишлашади. Менимча маҳалий ёш режиссёрларга ҳам имконият бериш керак. Чунки ўшандা театрнинг ҳар томонлама ижодий ўсиш жараёни бўлади. Улар ҳам ижодий имкониятини катта майдонда синаб қўришсин. Ўшандা ижодий коллективнинг ишончи ва ҳурмати бу режиссёрга нисбатан ошади. Таклиф қилинган катта тажрибага эга бўлган режиссёрлар спектаклнинг бадиий раҳбарлигига таклиф қилинсин.

Республикадаги давлат қўғирчоқ театрлари хориж сафарларига бориб, анжуманларига қатнашиб улар билан ижодий шартномалар тузиб келишияпти . Бунга биргина мисол Фарғона вилоят қўғирчоқ театрининг ижодий жамоаси Тожикистон, Қозогистон, Россиянинг С-Питербург, Новосибириск шаҳарларда бўлиб ўтган халқаро фестивалларда ўзининг "Мусиқали чойхона" спектакли билан қатнашди. Бу спектаклнинг саҳналаштиручи-режиссёри Сергей Седухин. Ижодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун бугунги кунда театр Қозогистон халқ артисти, профессор Бекпулат Фармонов билан ижодий ҳамкорлик асосида уни театрга спектакль



саҳналаштиришга таклиф қилди. Б. Фамонов Н.Носированинг "Аёллар" номли пьесасини саҳналаштириди. Саҳналаштирувчи рассом санъат арбоби, профессор Шухрат Абдумаликов, бастакор Алишер Фофуров. Кўрибсиз-ки яна бир янги яхши асар саҳна юзини кўрди. Тожикистон қўғирчоқ театрини Фаргона шаҳрига таклиф қилинди. Бу қўғирчоқбозлар ўзининг спектакллари билан Фаргона томошабинларини хушнуд қилиб кетишли. Юкорида келтирилган барча қилинган ишлар жараёни бу театрда тўғри ва мақсадли иш йўналишини олиб борилганлигидан дарак беради. Бу ишларга бош-қош бўлган театрнинг директори қўғирчоқ йўналишининг мутахасси Таваккал Султоновдир. Унинг фикрича "биз соҳамиз бўйинча яна кўп ижодий ютукларга эга бўлиб, янги жараёнларни ўрганишимиз керак экан",-деган фикирни билдириди. Демак, ижодий труппа аъзоларини қўпроқ чет эл театрларига малака оширишга юбориш керак экан. Республикадаги миллий қўғирчоқ театри ва вилоят қўғирчоқ театрлари бугунги кунда жавлон уриб ёш томошабинлар хизматида, ҳатто катта ёшдаги томошабинларни ҳам эсдан чиқаришгани йўқ. Шу каторда театрларда инновацион жараёнларни ҳам йўлга қўйиб улгиришяяпти. Қайси театрнинг раҳбари билан сұхбатлашмаг, у сизга ўзининг янги лойиҳалари устида қизғин сұхбадлашади. "Биз янги замонавий бинога эга бўлдик. Театримизнинг ижодий грухлари дунё кезмоқда. Бу борада театрларимиз хориж қўғирчоқ театрлари билан беллаша оляяпти.

Хоразм вилояти қўғирчоқ театри замонавий янги бинога қўчди. У режа асосида планни 100% қилиб бажарайапти. Давлат буютмамиз ҳали олдинда. Театрининг ишлари жуда яхши кетмоқда, театр Германия билан Туркияда ижодий сафарда бўлишган. Театрининг актёрларини 50% Ўзбекистон давлат санъат ва маданият инститининг сиртқи бўлимида ўқишиади. Яқинда қўпгина актёрларимиз олийгаҳни сиртқи бўлимини битириб, олий малумотга эга бўлишиди.

Самарқанд вилоят қўғирчоқ театрининг директори Ферузбек Абдураимов"-биз Туркия, Қозогистон, Тожикистон давлатлатлари билан беш ийллик шартнома тузилганини айтди. Театрда бу борада қизғин ижодий ишлар қилинияпти.

Манбеталиев Усманатдин театр директори "бизнинг Қарақалпоғистон вилоят қўғирчоқ театрида ҳам ишлар қизғин. Бизда Туркия ҳамда Грузия давлатларинг қўғирчоқ театрлари билан гастрол масаласи бўйинча шартнома тузилган. Шу йўналиш бўйинча театрда қизғин иш олиб борилияпти. Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театри ҳам янги замонавий модий-техник база билан тамилланган янги бинога қўчиб ўтди. Бу албатта театр учун давлатимизнинг катта совғаси бўлади.

Театрларни ўрганиш жараёнида театр мутахассислар билан сұхбатлар ўтказиб, шундай фикирга келдим. Замонавий қўғирчоқ театрлари энг юкори



даражали модий-техник базали сахналарга эга бўлиши, пьеса танлаш жараёнида драматургияга алоҳида эътибор бериш, ҳамда пьеса ва уни аниқ шу соҳа мутахассислар таҳлил ва тасдиқидан ўтказгандан кейин уни сахналаштириш лозим эканлиги яна бир бор тасдиylanди.

Театрларнинг бугунги ва унинг эртанги тақдирни шу соҳанинг юқорида малакали мутахассисларга боғлиқ албатта. Бугунги кун талабига биноан ёш томошибинларга ҳар томонлама тўлақонли мукаммал, замон талабига жавоб берадиган спектакллар сахна юзини кўриши шарт. Бу мавзуда бутун ҳаётини санъатга боғишлаган К.С. Станиславский “Болалар учун сахналаштирирган спектакллар катталарникига қараганд акучлироқ ва яхшироқ бўлиши керак”, - деб тақидлаб ўтган. Барча шу соҳа вакиллари бу фикрга амал қилиган ҳолда театрнинг ижодий иш механизмини ўта профессионал даражада бажаришини таъминлашимиз лозим.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26майдаги ПФ-6000-сон фармони.
2. М.М.Королёв. Искусство театра кукол. Режиссёр театра кукол.Санг-Петербург.2015год.
3. К.С. Станиславский. Актёрни ўз устида ишлаши. Тошкент “Янги аср авлоди” 2011 йил.